
49-умумтаълим мактабига зарур спорт анжомлари топширилди

Учкўприк туманида ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт турлари билан доимий шуғулланишлари учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда таълим масканлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида спорт майдончалари ҳамда мажмуалари қурилмоқда, мавжудлари босқичма-босқич таъмирланиб, зарур анжомлар билан таъминланмоқда.

Бугун “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 49-умумтаълим мактабига ўқувчи-ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида зарур спорт анжомлари топширилди.

Бу орқали мактаб ўқувчилари ва маҳалла ёшларини футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, бадминтон, стол тенниси каби спорт турларига кенг жалб этиш имконияти яратилди.

2024-02-26 16:59:43